

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 165 (9.968)

2003 ЙИЛ 22 АВГУСТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноби

Кўмондонликни топширишга тайёрланар эканман, террорчиликка қарши глобал урушда эришган муваффақиятимизни фахр билан ёдга олмақданам. Афсуски, истеъфога чиққунимга қадар Сиз билан учрашиб, ўз миннатдорлигини шахсан изҳор эта олмадим.

Террордан жабр кўрган мамлакатлардан бирининг вакили сифатида, Сизга ва ҳамюртларингизга жасоратингиз ҳамда «Енгилмас озодлик» ва «Озод Ироқ» операцияларини қатъий қўллаб-қувватлаганингиз учун шахсан ташаккур айтмоқчиман. Бизнинг қўшма саъй-ҳаракатларимиз ва ривожлана бораётган икки томонлама ҳарбий муносабатларимиз бундан буён ҳам минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб қолаверад.

Сўнги бир неча йил мобайнида кўрсатган дўстона муносабатингиз учун Сизга яна бир бор ўз миннатдорлигини изҳор этаман. Яна учрашувимизга қадар муваффақият, бахт-саодат ва раванг тил билдирган эзгу тилакларимни қабул этгайсиз.

Эҳтиром билан,
Томми ФРЭНКС,
АҚШ Куролли Куचлари генерали.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йуллари куриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармониغا мувофиқ ҳамда умумий фойдаланиладиган йўллар самарали сақланиши, таъмирланиши, реконструкция қилиниши ва курилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:
«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ҳодимларининг чекланган сони 29 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси;


(Давоми 2-бетда.)



Бугунги кечиратган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни Мустақиллик, озодлик, хуррият тарихи деб эъзоз - ҳурмат билан эслашлари муқаррар.

Ислом КАРИМОВ

• МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ



4. КЎПРИКЛАР

Оқшом чоғлари шаҳримиз янада гўзаллашиб кетади. Шундай кезларда беихтиёр шаҳар кезинг, Тошкентимизнинг давримизга хос ўзгаришлари, янгиланишлари билан яқиндан танишинг келади. Чиндан ҳам Истиклолимизнинг 12 йиллида асрларга татиғулик ишлар қилинди. Бугун уларнинг ҳар бири ҳақида ҳар қанча сўз юритсак оз. Шундай ҳаёлларга тутқун бўлиб йўл боса-боса Юнусобод кўприги устига келиб қолибмиз. Икки йўловчининг қуйидаги сўзлари диққатимизни ўзига тортди.

— Шундай маҳобатли кўприкни қурганларнинг отасига раҳмат.

— Узоғимиз яқин бўлганини айтмайсизми, биродар. Илгари Эски Жўвага бориш учун озмуна айланма йўллари босиб ўтармидик. Энди эса у бир қадам — қўл узатсанг етгудек.

Мана шу суҳбатнинг ўзи бизга навбатдаги мавзуну топиб берди. Тошкент кўприклари ҳақида ёзишга аҳд қилдик. Чиндан ҳам ўйлаб қарасанг дилни дилга боғловчи йўллар кўприклар орқали бир-бири билан туташаркан. Ахир Мустақиллик йилларида шаҳримизда улардан қанчаси барпо этилди. Бугун улар нафақат кенг ва раван йўллари, ҳатто шаҳарлари ҳам бир-бири билан боғлаб, туташтириб турибди. Бугун бундай кўприкларни санай туриб санокдан аддашсан киши.

Шу ўринда бир оз орта чекинишга тўри келади. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги тантаналарига қизгин тайёргарлик бораётган бир пайтда пойтахт аҳли бунёдкорлардан муносиб тўхфа қабул қилиб олди. «Бўржар» канали устига қурилган икки томонлама кўприк ишга туширилди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллик байрами арафасида эса «Шижоатингизга бағли, кўприксоғлари!» дея пешвоз чикдик. Бу сафар «Олой» бозори яқинидаги Абдулла Қодирий кўчаси бўйлаб ўтган ер ости йўли курувчиларини янги меҳнат ғалабаси билан кутладик.

Мовароуннаҳр кўчасида «Салор» каналининг икки қирғоғини бирлаштириб транспорт ва йўловчилар қатнови учун қўлайлик ярат-

ган «Салор» кўприги очилишига бағишланган тантаналар ҳамшаҳарларимиз ёдида узоқ сақланиб қолади. Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги арафасида ишга туширилган бу кўприк биргина тошкентликларни эмас, балки Фарғона йўли бўйлаб қатновчи турли вилоятлардан тўхтовсиз келиб-кетиб турадиган меҳмонлар ва автоуловларнинг узогини яқин қилди.

Бугун Кўйлик кўпригини кўздан кечирган одам унинг лойиҳаси кўплаб қўлайликларни кўзда тутганлигининг шоҳиди бўлади. Ушбу кўприкнинг ишга туширилиши чор тарафга олти томонлама раван йўллар очиб имкони берди. Бу иншоот 5 ойда битказилганлиги билан ҳам таҳсинга лойиқдир.

Мустақиллигимизнинг тўққизинчи йиллида кўприксоғлар Аҳмад Доғий йўлини Халқлар Дўстлиги ва Хадра билан боғловчи муҳташам кўприкни ҳамшаҳарларимизга тўхфа этишди. «От-чопар» бозори яқинида қад ростлаган кўприк эса бугунги кунда кўрк очиб Тошкент Халқа йўлини Қатортол ва Гавҳар кўчалари билан туташтириб турибди.

Бу йилги фойдаланишга топширилган асосий байрам объектлари қаторидаги Шайхонтоҳур ва Акмал Икромов туманларини қисман қамраб олган Уйғур — Улуғбек кўчалари туташган манзилда барпо этилган янги автомобиль йўли алоҳида эътиборга лойиқдир. Ҳозирда бу ерда эстакада — икки қаватли ер ости ва ер усти автомобиль йўллари қурилиши натижасида тигиз транспорт ҳаракати ечими ҳал этилиб, Чилонзор, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманлари микросида автотранспорт ҳаракатини бир неча барабар қисқартиришга эришилади.

Бугун ҳаммамиз мамлакатимиз фахри бўлган бу маҳобатли кўприклар энг аввало Президентимиз раҳнамолигида бунёдга келганлигини юракдан ҳис этиб турибмиз. Мустақиллик йилларида юртимизда тикланган қайси бир иншоотни олмайлик, уларнинг барчаси Юртобчилигимизнинг саъй-ҳаракатлари, тақлифи ва истақлари, доно маслаҳатлари билан амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

XXI сағоси

Барча жавобларда олдинги сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзусидаги учрашув Олмалик шаҳрида бўлиб ўтди.

• Самарқанд ва Навоий вилоят ҳокимликларида бўлиб ўтган мулоқотларда қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, хусусан фермерлик ҳаракатининг истиқболлари ҳақида гап борди.

• Мустақиллик байрами арафасида Бадий академия «Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг замонавий санъати» альбомини чоп этди. Ундан 500 дан ортик санъат асарлари ўрин олди.

• Бугун Бадий академиянинг Марказий Кўргазмалар залида Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган самарқандлик рассомларнинг «Афросиёб ёғдуси» деб номланган кўргазмаси очилди.

• Термиздаги «Истиклол» супермаркетинида кузги ва қишки мавсумга мўлжалланган турли кийим-кечаклар, ҳар хил русумдаги пойабзаллар, мебеллар, кундалик эҳтиёж моллари, озик-овқат маҳсулотларининг кўргазма ярмаркаси очилди.

• Бухоро шаҳридаги Сомонийлар истироҳат боғида ўтказилган «Табаррук замин саховати» номли қовун сайлида 120 нав ва номдаги ширин-шакар қовунларнинг таъми татиб кўрилди.

Жаҳонда

• Либериялик сиёсатчи ва тadbиркор Гьюде Брайант Ганада бўлиб ўтган музокаралар натижасига кўра Либерия ўтти ҳукуматининг раҳбари этиб расман тайинланди.

• Хавфсизлик ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда Жаҳон банки раҳбарияти Ироқда фаолият кўрсатаётган ўзининг барча ҳодимларини Иорданияга ўтказмоқда.

• Дастлабки маълумотларга кўра, Франциядаги ҳаддан ташқари жазирама иссиқ натижасида ҳаётдан қўй юмганлар сони 13600 кишига етган.

• Европаннинг ягона валютаси ҳисобланмиш евронинг қиймати доллардан паства туша бошлади. Чунонки, апрель ойдан бошлаб илк бор 1 евро учун 1,11 доллар берилди.

ПОЙТАХТНИНГ
Дир Кўни
Янгиликлар, воқеалар

КўСА
сатрларда

□ **«КАМОЛОТ»** ёшлар ихтимойи ҳаракатининг Юнусобод туман бўлими Кенгаши Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан 28 август куни туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган оила фарзандларини ихтимойи, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида «Тошкент ҳайвонот боғи»да тadbир ўтказишни режалаштирган. Tadbир давомида 200 нафар кам таъминланган ва ногирон болаларга байрам кечаси уюштирилди.

□ **БУГУН** Ҳамза туман халқ таълими бўлимининг тумандаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар директорлари, директорларнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари учун аънавий август кенгаши бўлиб ўтди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** фаолият юритаётган «Советластик» Ўзбекистон-Италия-Буюк Британия қўшма корхонасида етти минг хилдан ортқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи давомида корхона 240 минг АҚШ доллари миқдорига ўз маҳсулотларини экспорт қилди.

□ **БУГУН** Муқимий номидаги мусиқа драма ва комедия театрида Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ташаббуси билан бошқарма тизимидаги ва туман ободонлаштириш бошқармалари ишчи ходимлари ўртасида «Энг яхши фарош», «Энг яхши тоғбон», «Энг яхши йўл ишчиси», «Энг яхши мироб» йўналишлари бўйича ўтказилган кўрик-танлов голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

□ **КЕЧА** Яққасарой туманидаги «Конституция» маҳалласи гузарига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Рамз Бобонож кутубхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати
ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ
«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси
ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика
йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

йўл-қурилиш ҳудудий шўба ташкилотларининг /кейинги ўринларда матнда ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари деб юритилади/ бошқарув ходимларининг чекланган сони 15 нафар бўлган намунавий тузилмаси;

йўл ҳўжалиги туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналарининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 10 нафар бўлган намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясини бошқаришнинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган Компания кенгаши ҳисобланади;

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимга Компания кенгаши тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

йўл-қурилиш ҳудудий ташкилотлари Раҳбарлари лавозимга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари тақдимномасига кўра «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан тайинланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У.Т. Султонов Вазирлар Маҳкамасининг Йўл-транспорт коммуникацияларини куриш ва ривожлантириш комплекси билан биргаликда бир ҳафта мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Компания кенгаши таркиби юзасидан таклифлар киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси шартномалар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзавтойўл» давлат концернининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг устав фонди умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари асосий фондлари ва ўзгартирилаётган «Ўзавтойўл» давлат концерни мол-мулки ҳисобига ҳосил бўлади;

ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотларининг устав фондлари маҳаллий аҳамиятга /вилоят аҳамиятига/ эга бўлган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари уларга бериладиган асосий фондлари, шунингдек ўзгартирилаётган ҳудудий давлат акциядорлик бирлашмаларининг мол-мулки ҳисобига ҳосил бўлади;

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясини ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар давлат мулки ҳисобланади ва сотилмаслиги ёки бошқача бегоналаштирилмаслиги керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мул-

ки кўмитаси ва «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бир ой мuddатда:

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг устави ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар;

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ бўлмаган корхоналарни хатловдан ўтказсинлар ҳамда уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

6. «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлари йўл ҳўжалиги тизими корхоналари ва ташкилотлари ўзгартирилиши муносабати билан текин оладиган мол-мулк, асосий ва айланма воситалар бўйича даромад /фойда/ солиғидан озод қилинсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасини бошқариш кенгаши таркиби;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг ходимларнинг чекланган сони 45 нафар бўлган тузилмаси тасдиқлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда моддий таъминот, ихтимойи ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Республика йўл жамғармаси маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг бошқариш кенгашига юкланади;

Республика йўл жамғармасининг ноқонуний сарфланган ва мақсадли фойдаланил-

маган маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғармага ундириб олинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда Республика йўл жамғармаси маблағларидан фойдаланилишини текшириб чиқсин, ҳаражатларнинг мақсадли йўналтирилганлиги ва самарадорлигига, шунингдек асбоб-ускуналар ва товар-моддий бойликлар сотиб олишга тузилган контрактларга, шу жумладан импорт контрактларга алоҳида эътиборни қаратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси йўл ҳўжалиги тизимида танлов савдолари /тендерлар/ ташкил этилиши ва ўтказилиши устида назоратни таъминласин ҳамда танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар бажарилишининг мониторингини олиб бурсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси унга Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағлар тўпанилишини таъминлаш функциялари юкланганлигини ҳисобга олган ҳолда: икки ҳафта мuddатда ходимларнинг белгиланган сони доирасида марказий аппаратда ходимлар сони 4 кишидан иборат бўлган тегишли бўлим, вилоят бошқармаларида 3 кишидан ортқ бўлмаган сектор ташкил этсин, шунингдек туман ва шаҳар солиқ инспекциялари тузилмасига зарур ўзгартиришлар киритсин;

2003 йил 1 октябрга қадар Республика йўл жамғармасига маблағлар тушишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш функцияларини бажарувчи кадрларнинг ўқишини ўтказсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У.Т. Султонов сизимасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 21 август

Педагоглар малакасини
ошириш мақсадида

Коллеж ва лицейлар педагогларини қўшимча ўқитиш билан шуғулланувчи Республика кадрлар малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш марказининг барча 53 та факультети янги ўқув йили арафасида энг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу марказга ҳорижий ҳамкорлардан олинган 426 та янги авлод компьютерини топширди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида яна бир қадам бўлди.

Эътиборли томони шундаки, барча компьютерларга махсус ўқув дастурлари ўрнатилган. Ҳар бирининг хотирасига 240 таддан ортқ дарслик ва маъруза курслари, виртуал лаборатория машғулоти ўтказиш учун услубий қўлланмалар ёзилган. Бундан ташқари компьютерга педагог шахсий иш режасининг замон талаблари асосида янгиланган лойиҳаси киритилган. У ўқитувчиларга ўқувчилар-

ни ўқитиш жараёнини замон талаблари бўйича аниқ ташкил этишга ёрдам беради. Интернетга уланган бундай ускуналар тўпламлари барча педагог кадрлар малакасини ошириш муассасалари кутубхоналарига ҳам берилди. Бугунги кунда таълим сифатини ошириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи бош вазирларидан бирига айлинди. Таълим тизими

БАЙРАМОЛДИ
ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқдол байрами арафасида юртимиз аҳолиси, жумладан, пойтахтликлар дастурхонини янада серфайз этиш мақсадида махсус фармойиш қабул қилди. Унда жойларда махсус ярмаркалар ташкил этиш кўзда тутилган.

Аънава тусига кириб қолган ушбу тadbир ҳар қачонгидан ҳам улоққил билан бошлаб йўборилди. Фармойишда белгиланганидек, шаҳри азим Тошкентнинг барча туманларида 10 сентябрга қадар давом этадиган кишлоқ ҳўжалиги ва истеъмол моллари савдо-ярмаркаси очилди. Пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонлари картошка, सबзавот,

узум, қовун-тарвуз, асал, гўшт, сут каби кўплаб турдаги кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бозордагидан нисбатан арзон нархларда харид қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани аҳолиси учун савдо-ярмаркаси «Авиасозлар» маданият саройи ёнидаги майдонда ташкил этилди. — Шаҳарликлар байрам дастурхонини она юртимиз саховатли замининда етиштирилган ноз-неъматлар билан янада тўкин-сочин қилиш мақсадида вилоятимиз сохиборку борғонлари ўнлаб турдаги кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тортиқ этмоқда, — дейди Наманган вилояти ҳокимлиги вакили, «Осиё» фирмаси директори ўринбосари Обиджон Абдуқаҳоров ўза мухбирига. — Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун Ҳамза туман ҳокимлиги бизга барча зарур шароитни яратиб берди. Бугун биринчи кунлик 150 тоннадан зиёд маҳсулот сотилди. Вилоятимиз миришкорлари ярмаркада бир ярим минг тоннадан ортқ маҳсулот етказиб беришга ард қилган.

МАКТАБЛАР
УЧУН ЯНА
ИККИ
ГРАНТ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги грантлар бўйича шартномалар имзоланди.

Умумий қиймати 142 минг 381 АҚШ долларига тенг бу грантлар Тошкент шаҳридаги икки мактабга берилмади.

Юнусобод туманидаги 260-ўрта мактаб 80 минг 788 АҚШ долларига тенг маблағни ўқув қуроллари ҳамда замонавий техника харид қилишга сарфлайди. Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактабга эса 61 минг 593 АҚШ доллар ажратилди. Ушбу мактаб ҳам зарур жиҳозлар билан таъминланади.

(ЎЗА.)

«02»: ХОДИСАЛАР

● Қорақамиш даҳасида яшовчи Ж.Норовдан «ВАЗ 21011» русумли автотуловидан «ДЭУ» автомагнитоласини ўйирлаб кетишгани ҳақида ИИБга ариза тушди.

● Бузюкнинг югургани сомонхона-гача деганларидек, Шайхонтоғру туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган «эгизак»лар далилий ашё билан қўлга олинди. Хасан ва Хусанларнинг ўйлари тинтув қўлингана вақтида эса, ертўладан ўйирлаб сотиш учун мўлжаллаб қўйилган бир қанча автомагнитолалар топилди. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Содир этилган жиноят учун албатта қонун олдида жавоб берилади. Чилонзор туманида яшовчи, 1965 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Нодир исмли шахс бунга кенорқ тушуниб етди шекилли. Сабаби, айни дамда у Миробод туманида яшовчи Давроннинг фирмасидан 60 метр электр симларини ўйирлагани учун жавобгарликка тортилмоқда.

● 1982 йилда туғилган, Қирғай туманида яшовчи И.Носировани жисмоний куч ишлатиш билан қўрқитиб, унинг сариқ металлдан ясалган занжирининг тортиб олинганлиги милиция ходимларига маълум бўлди.

Ишнинг тўғри ва пухта ташкил этилиши натижада М.Улуғбек туманида яшовчи 1979 йилда туғилган Х.Тожиёв далилий ашё билан қўлга олинди.

Унинг яқин дўсти Э.Абдуллаевдан эса сариқ металлдан ясалган ўйирланган бир қанча узуклар топилди. Ушбу шахс ўзининг ноҳия ҳаракатлари туфайли милиция ходимларида шубҳа уйғотгани. Қаранқчи уларнинг шубҳалари тўғри чиқди. Бу узуклар Чилонзор туманида яшовчи Қ.Мусаевага тегишли экан.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Мирзо Улуғбек туманида қўлга олинган, 1961 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган, Чирчиқ шаҳрида яшовчи Т. билан тергов жараёнида аниқланишича, у 1969 йилда туғилган, Қорасууда яшовчи В.Артохованинг йўлгагидаги электр ҳисоблагични ўйирлаб кетган.

● Инсон ҳаёти давомида ўйлаган орзу-умидларининг амалга ошиши учун барча қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир. Лекин кимдир ниятига етиш учун тинмай меҳнат қилса, кимдир қинғир йўллар билан қўлга олинган мақсадига эришмоқчи бўлади. Ана шундай инсонлар тоифасига кирувчи А.Жалилов Замира исмли аёлдан дастлаб 400 доллар, кейин эса 7000 АҚШ долларини олиб ўзлаштириб юборган.

Жабрануви Замиранинг ИИБга берган аризасига қўра Жалилов бугунги кунда фирибгарлиги фош бўлган ҳолда, қонун олдида жавоб бермоқда.

Худди шундай ҳолат бўйича Абдурахмон ҳам ички ишлар идорасига хабар берди.

Маълум бўлишича «Чет мамлакатга вижа оқдириб бераман» дея ундан 4000 АҚШ долларини олган яқин дўсти гоийиб бўлган. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича икки шахс ушланиб, қўлмишлари учун жавоб бермоқдалар.

● Яқинда шаҳар ИИББ жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан пойтахтимизда содир бўлган бир жиноят фош этилди.

Эрталаб соат 8.00 ларда ИИББга Тошкентдаги институтлардан бирида таҳсил олувчи талаба қизининг номалум томонга олиб кетиб қолинганаги ҳақида хабар тушган. Ишнинг пухта ташкил этилиши натижада ушбу жиноят қисқа фурсатларда фош этилди. Энг ачинарлиси, уни аёллар содир этишгани. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази материаллари асосида Адибахон РАХМАТУЛЛАЕВА тийёрлади.

Радио деталлари дўкони ҳар хил турдаги радио деталлар, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратларини харид қилади ва сотади.

Телефон: 68-93-93
Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади.
Т: 22-98-05

Тошкент шаҳар ҳокимияти
«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

Куриқ-танлов шартлари:
Куриқ-танловда Тошкентдаги корхоналар, уқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазиянгиз ажойиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдорлар ва бошқа узига хос ландшафт эсимлари яратишга қодирми?

Куриқ-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни таъкилотчиларга 1 октябрда тақдим этишлари зарур.

Ўзбекистон фотосуратчи ва видеотасмалар кўргазми аълолари томонидан қўралиб чиқилган ва қўлланган аниқланади.

Маълумотлар ТТВ телеканали, «Пойтахт-информ» радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Тошкент» газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Миллий Тошкент шаҳар, 700006, Миллийнавар кўчаси, 14
Маълумот учун тел.факс: 133-21-05, 133-38-03

Севинчи ШАҲРИМ

ПОЙТАХТ КҮЧАЛАРИ БЕЗАТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси Беъш ишлаб чиқариш корхонаси пойтахтимиз кўчаларида Мустанкилик байрамидан дарак берувчи панно ва плакатларни ўрнатишни бошлади.

Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрининг етти минг квадрат метр жойида турли беъш ишлари олиб борилади. Бу ишни амалга ошириш асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси Беъш ишлаб чиқариш корхонаси зиммасига юклатилган. Айни кунларда корхона жамоаси 3,5 минг квадрат метр жойда байрам шукуҳини акс эттирувчи панно ва турли мавзудаги плакатларни ўрнатмоқда. Моҳир расом ва усталардан иборат ижодий жамоа яратган асарлар туркуми Бобур, Шароф Рашидов, Ўзбекистон шоҳ кўчаларида ўрнатиб бўлинди. Шунингдек шаҳримиздаги 109 та кўча номларини бежирми шаклда қайта ёзиш ва йўналиш кўрсаткичларини ўрнатиш ҳам ушбу корхона жамоасига юклатилди.

«Тошшаҳарнў» корхонаси эса, бир-бирини такрорламаган ҳолда кўчаларни турли чироклар билан беъзатиш ишларини ниҳоясига етказди.

НОН АЗИЗ

Яқин бир қариндошимиз наҳрга ошга тақлиф этди. Бордик. Тўй шаҳардаги шохона рестороанлардан бирида ўтпти. Дастурхон ҳам шунга яраша беъзилган. Ундан энг сара нозу неъматлар ўрин олган. Хар қатори йиғирма кишига мўлжалланган столнинг икки жойида турли хил ичимликлар қироили қилиб териб қўйилган. Улар орасида ароқнинг анвоий хилдан тортиб, қоньякка бор. Номдор хонанда ва созадлардан даврга файз киритишпти.

Катта-кичик иккита элган кириб чиқаётганларнинг кети узилмади. Даврани бошқараётганлар шундай катта элдоҳони қўйилмақом қилиб эплаштириб туришибди. Хар бир киши эътибор ва иззатикром билан кутиб олиниб, керакли жойга ўтказилпти. Келганларга пешма-пеш чой, кетидан лаштанда ховури чиқиб турган қовурғали сомса тортилади. Пешма-пеш усти тўла ёғ-гўшт, бир неча яприқланган қазили ош келтирилади.

Бадастир дастурхонда фақат бир нарсга етишмайди. У ҳам бўлса нон. Даврада елиб-юғуриб хизмат қилиб юрганлар шовшининча шунисини унуттишган чоғи. Утирганлардан бири хизматчилардан:

- Укажон илтимос, агар имконият бўлса бир-иккита нон берсангиз, — деб сўраб қолди.
- Хизматчи дастурхонга қаради-ю қизариб кетди.
- Ие, кеңирасиз. Ҳозир, Ҳозир. У юғурилаб бориб, патнис тўла пиёзли, жимзади, севдали нонни кўтариб келиди. Бўрсидок нонлар бир зумда қўлма-қўл узатилди. Дастурхонга янада файз кирди.
- Ноннинг ўрини ҳеч нарсга боса олмайдиди, — деди шунда кимдир.
- Нимасини айтасиз, нонга энг улуг неъмат деган баҳо бекорга ҳам берилмаганда, — деди унинг ёнида ўтирган ҳамроҳи.

- Вой адаси қўйинг, — қўзи ёшланади Ибохоннинг. — Сизга жабр бўлди.
- Ҳечқиси йўқ, хали кўрмагандек бўлиб кетасан. Кейин сен билан узок-узокларга дам олгани борамиз.
- Айтганингиз келсин адаси...
- Орадан маълум муддат ўтиб шифокорлар Ибохоннинг оёқга туришига рухсат бердилар. Улар:
- Хар кун секинлик билан бир маҳал хонани айлантирасиз, — тайинлашди Абборжонга.
- Хона айланишдан бошланган юриш машқи бора-бора қаридор-гача давом этди. Кейин ташқарига чиқди.
- Ибохон ва Абборжонлар таърифи бутун шифохонга ёйилди. Уйга қайтадиган кунлари уларни дерли ярим касалхона аҳли кузатди. Эр-хотиннинг кўзида севинч ёшлари йилтилади.

ОШПАЗ — ҲИКОЯНАВИС

- Мен сизни яхши танийман. Дилқаш мақолаларингизни битта қўймай ўқиб бораман. Инсоний муносабатлар ҳақида қўл ва ҳўб ёзасиз. Албатта узгаларга илжи борица ёрдам беришга қодир инсонгина шундай битикларни ёза олади, тўғрими? Мен ҳам олдингизга бир илтимос билан келдим.
- Хонага кириб келган ўрта ёшли бу кишининг томдан тараша тушгандек гални шу тарика бошлаши бироз бўлсада бизни шошириб қўйди.
- Олдин ўзингизни таништириб, қўлдан келса, илтимосингизни албатта қондиришга ҳаракат қиламиз.
- Очиги сизга айтсам, ўзим ҳам тулпа-тузук қалам соҳибиман. Лекин тақдир тақозоси билан бошқа касбни — ошпазликни танла-

ГАП АЙТИШНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

САДОҚАТ

Оилада тотувлик, севги ва вафо, меҳр-оқибат бўлса хар қандай мушкулотнинг чорасини топиш ва енгиб ўтиш мумкин экан. Бунга мен бир воқеа туфайли янада ишонч ҳосил қилдим.

Абборжон ён қўшим. У институтда домалик қилади. Хотини Ибохон мактабда ўқутувчи. Бу ибратли оилада икки ўғил ва икки қиз тарбияланиб воёга етди. Ҳозирда уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, оилали.

Ҳаёт йўли бир текис бўлмаганидек, кундалик турмушда ҳам хар хил қувончли, баъзан эса ташвишли ҳодисалар учраб тураркан. Тўсатдан оила бошига кулфат тушди. Ибохоннинг бир кечада қўл-оёғи ишламай қолди. Дастлаб етиб келган «Тез ёрдам» шифокори касаллик сабабини тўла аниқлаб берди. Инсулт. Зудлик билан касалхонага ётқириш керак.

Уша кундан бошлаб Абборжоннинг тинчи бўзилди. У эртаю кеч аёли олдида қолиб кетди. Олдин фарзандлар тўлгани бир қароғга келишиди. Оналарига бир кундан навабтан-наваб қарайдиган бўлишди.

— Қариганда отамизнинг бир ўзини касалхонада оғир бемор олдида ёлғиз ташлаб қўйиш инсофдан эмас, — дедилар.

Уғил-қизлар фикрига Абборжон кўнмади.

— Болаларим, раҳмат, лекин сизлар ёшсанлар, оилангиз бор, қолаверса ишдан қилиб кетасизлар, Ҳозир мен ёзга таътилдаман, вақтим бемалол. Шунинг учун ўзини қарайман онангизга.

Фарзандлар отаниб бу фикрга нозор қўнишди. Орадан бир ой ўтиб шифокорларнинг мулоажаси ёки болаларининг бахтини, эрининг меҳрибончилиги, юракка таскин берувчи ширин сўзларининг таъсирини хар қалай Ибохон қўзини очди. Касаллик инжиқлик билан бўлса-да аста чекина бошлади.

Бу сафар қариндош-урулар ўртага тушишди.

— Ибохон бизнинг ҳам жигаримиз. Шундай экан, биз ҳам ҳеч бўлмаса бир кун-бир кундан туриб берайлик унинг олдида. Сиз бироз дам олинг, — дейишди Абборжонга.

— Йўқ, — деди Абборжон, уларга миннатдорчилик билдириб, — у менинг турмуш йўлдошим, ёстикдошим, ўттиз йиллик суҳбатдош, дардақшим. Шундай пайтда ундан узоклашсам бўлмайди, кўнгли ўқсийди. Хотиржам бўлаверинлар, унга ўзим қарайман.

Шифокорлар дастлаб Ибохонга бироз ўтиришга рухсат беришди. Абборжон итоактор ва ахтиёткорлик билан уларнинг барча айтганларини бекаму қўст бажарди. Аёлининг тузалиб кетишига ишонди.

— Сизни ҳам қўйиб юбордим-да, адаси, — деди Ибохон эрининг кечалари мижжа қоқмай, унинг иссиқ-совуғидан зийраклик билан баҳардор бўлиб бошида ўтиргангани кўриб, эзилди.

— Бундай дема, онаси, эшитмаганиман «Эр-хотин қўш хўкис», — деди ҳазил аралаш қилиб Абборжон. — Шундай экан аравани бара-вар тортишимиз керак-да.

— Мен тортмай қолай. Ҳамма оғирлик ўзингизга тушяпти-ку.

— Яхши эркак шунақа, аёлига ҳаммиша енгил бўлишни қўзлайди.

ганман. Қонда бор шекилли-да, бўш вақтаримда қўйча ёзаман. Тунлари бош кўтармай ижод билан шуғулланаман. Баъзи машқларимни ўқиб кўрсам бинойидек қўлим келиб қолибди. Шулардан бешолитасини саралаб олдингизга олиб келдим. Биздек бир ёш ёзувчи га гўлдаста сифатида улардан уч-тўрттасини газетангизда чиқариб берсангиз савоб иш қилган бўлардингиз.

У шундай дед олдимизки бир даста қорамаларини ташлади.

— Бир бошдан эринмай ўқиб кўринг. Нима хизмат бўлса тайёримиз. Агар истак бўлса, бир чойнона палов биздан.

Ҳозир ишмакни заруриятини айтиб, битикларни эртага ўқиб чиқишга ваъда бердик. У бўладиган ишнинг бўлгани яхши деб қўнмади.

— Олдинлари ҳам биронта газетанда ҳикоянгиз босилганими? — сўраймиз чор-чочор.

— Э, бу гапни қўйинг. Газеталарга қатнайвериб чарчадим. Уларнинг ўзи ҳикоя нималигини яхши тушунамайди шекилли-да. Хар гал келсам: «асарингиз хали ҳам, пишитиш керак», дейишади. Охири «нима бу селнарга ошмидики, пишитиб лаганга сузиб келсам», дедим-у зшиқни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетдим. Биз каби иқтидорларга муносабатини қаранг уларни. Хуллас «чумчўқ сўйса ҳам, қас-соб сўйсин», дея сизни паноҳ топиб, олдингизга келдим. Йўқ демай, устозлик қилиб бир қўллаб юборсангиз энди, агар илжи бўлса, сўзбоши сифатида оқ йўл тиласангиз ҳам розимиз.

У билан тортишиб ўтириш беҳуда эканлигини ўйлаб, ноилж «гўлдаста»ни ўқишга тушдик.

Ватан ҳақидаги биринчи ҳикояни ўқишимиз билан сўради:

— Қалай маълумли, биздек бир ҳавсорнинг Ватан ҳақида шундай сўз айтишининг ўзи донолик эмасми?

Бош тебратиб иккинчи ҳикояни ўқишга тушдик. Ҳикоя эмас қуруқ гап. Гап бўлганда ҳам боши, на охири йўқ гап.

— Ҳаммаси шунақа. Чиройли. Бир инга маржондек тизилган сўзлар. Буёғини ўқимай олиб қолсангиз ҳам бўлади. Чиқадиган кунни газаб қилсангиз бўлди. Агар имконият бўлса, ҳикоямиз босилган газетадан уч-тўрт нусха олиб кўрсангиз. Пулига талашмаймиз.

Суҳбатдошимиз ўриндан туриб, хайрлашиш учун қўлини узатди.

— Сиздан бир илтимос, — дедик ниҳоят. Олдин бу ҳикояларингизни қўп тиражи газеталарда чоп эттирсангиз маълум бўларди. Кейин бироз рисолага тушган, бизга олиб келарсиз, ана ўшанда сизга оқ йўл тиланиш ўйлаб кўрамиз.

Шундай дея «гўлдаста»ни суҳбатдошимизнинг қўлига тутқаздик. У турган жойида анчагача серрайиб қотиб қолди.

— Вой тавба, булар баъдий адабиётни тушунамайдиган қанақа одамлар ўзи? Хали келиб-келиб дардимни сизга айтдимми, шундай сермазун ҳикояларни жон-жон деб босадиган газеталар топилиб қолар.

Кейин у қандай шитоб билан кириб келган бўлса, шундай шитоб билан хонадан чиқиб кетди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Ота-онага нисбатан хурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз муқаддас туйғудир.

• Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча мадждилар ҳеч нарса эмас, барча баландпарвоз мақтовлар ўғиллик муҳаббати ва миннатдорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

• Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

Байт:

**Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.**

• Эй фарзанд ота-она ҳақини баҳо келтириш сенинг бурчинг. Шундай экан ота-онанга хурмат ва итоат қил, оқил ва доно фарзанд ота-онанинг ҳақларини бекаму кўст бажаради. Уларни хурматлашда камчилик кўрсатса, номинг яхшилик билан ёд этилмайди. Ўз фарзандинг сенга нисбатан қандай бўлишини истасанг, сен ҳам ота-онанга шундай муомалада бўл, фарзанд — мева, ота-онани эса дарахт ўрнида деб фараз этайлик.

Дарахт қанча яхши тарбия қилinsa унинг меваси яна ҳам яхшироқ ва ширинроқ бўлади.

Эй фарзанд тушун: ота-онанг сени тарбия қилиб ўстирдилар, шу йўлда анча машаққат чекдилар, сенга ҳеч вақт ёмонликни раво кўрмайдилар, бахтли, саодатли бўлишингни тилайдилар. Шундай экан бу муҳтарам зотларнинг иззат-ҳурматларини баҳо келтиришга гайрат қил. Уларнинг дилларини оғритма, очик юзли, ширин сўзли бўл, доимо ҳолларидан хабардор бўл. Ҳеч вақт муҳтожликда қолдирма, ҳар жиҳатдан уларни ўзингдан рози қилиб, дуоларини олишга ҳаракат қил, шу гўзал хислатларинг билан иззат ва шарофат ҳосил қиласан.

• Танинг соғ экан, ҳали кексалимаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон бори-ча ниманидир яратишга ҳаракат қил. Уйингни ўт олгандан кейин қудуқ қазишингдан нима фойда.

• Яхши қариялар бор жойда одобли ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турадилар.

• Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

• Темир қальни ёшлар қилич ишлатиб йиқитсалар, қарилар фикр билан ағдарадилар.

Бир ҳақимдан сўрабдилар: — Сен учун энг улуг киши ким?

— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улуг кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қарилардир.

Байт:

**Бўйин товлама кекса тадбирдан,
Қарияларда бор тажриба фикру фан.**

Санъатнинг сеҳрли олами

Муҳаммад Нуриддинов Санкт-Петербург Бадий академияси И.Е.Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва мезморчилик институти профессор А.Моисеенко устахонаси бўйича битирган дастгоҳли рангтасвир соҳибидир. Рассом олган билимларини амалда поёнига етказиб, қаламчизги, рангтасвир ва композиция бўйича маҳорат мактабини ўзининг мустақил изланишларида баралла татбиқ қилган рангтасвир устасидир.

Реалистик мактабнинг таянчи бўлган Санкт-Петербург Бадий академиясида энг етакчи устахоналардан бири А.Моисеенко ҳар томонлама малакали, ўз касбининг юксак чўққиларини эгаллаган рассомларни тарбиялашда, вояга етказишда айтиш мумкинки донг таратган атоқли мўйқалам соҳибидир. Муҳаммад Нуриддинов тўла маънода шу мактабнинг энг яхши хусусиятларини ўзида сингдирган, Европа рангтасвири, маҳорат бобида қаламтасвир сирларини юксак даражада эгаллаган, ўз фикрини мурраккаб лекин оддий йўл билан поёнига етказиш борасида композицион қурилмалар руҳидан унумли фойдаланиб тасвири атрофлича ва мукаммал характерлаб бера олиш даражасига кўтарилди. Бу борада ҳар бир композицияга киритилган детал, фрагмент, элементларни ўйлаб, руҳий кенгликлар, бўшлиқлар ташкил қилиш, ички сезгиларини аниқ воситалар ёрдамида кенроқ ва қамровли ифода этиш йўналиши бўйича тинимсиз саботли изланишлар олиб борди. «Режиссёр Омон Абдуразақов портрети», «Қалампирли натюрморт», «Вино билан натюрморт» ва бошқа асарларида бу ҳол ўзининг юксак поғонасига кўтарилди. У ширали узумлардан бол томишини натурал поёнига етказиб,

ақл бовар қилмас даражада ширали, таъми димоққа урарли ҳолатдаги кўринишини аъло даражада нозик ранглар нюансида ҳис қилиб, қалбан англаб ифода этганлиги кишини ҳайратлантиради.


Эрмитаж ва Рус музейидаги дурдоналар, дунё микёсида-

ларга эришиш йўлларини белгилаб берди. Улардан ўз изланишлари учун сабоқ олди. Ҳар бир предмет, композицияга киритилган элемент, деталнинг поёнига етказиб барча моддий ва бадий жиҳатлари билан мукаммал ишлангани кишини ҳайратга солади.

ги, кўпгина бадий хусусиятларнинг сингдирилганиги билан ажралиб туради. Айниқса бу борада портрет ва натюрмортлари юксак савияда бажарилган. Мана чорак асрдан буюн ўз билимларини, маҳорат бобидаги тажрибаси, қаламчизги, рангтасвир, композиция яратиш, тузиш малакасини К.Бехзод номидаги бадий ва дизайн миллий институтида талабаларга ўргатиб, уларнинг бадий ижодиёт масалаларидаги дидини юксак поғонага кўтаришга бўлган интилишлари, энг муҳими ўзининг ижоди билан уларга ўрнак кўрсатётганлиги диққатга сазовордир. Рассом асарларининг Ўзбекистон музейларидан жой олиши, Ҳиндистон, Покистон, Япония, Россия, Туркия, Америка, Германия, Англия шахсий коллекциялари, санъат ихлосмандлари томонидан юксак баҳоланиб харид қилинганлиги ижодкорнинг бадий салоҳиятига берилган юксак баҳодир. Рассом ўз ижодининг авж олиши, юксак парвоз қилишида қалбига яқин рассомлардан, бадий жиҳатдан поёнига етган ижодкорлар изланишларидан руҳий мадад олади. Мартирос Сарян ижоди, Брейгельнинг ўзига хос изланишлари руҳи, Москва ва Санкт-Петербург рассомлари ижодидаги колористик маҳорат мактабини босиб ўтган алоҳида руҳга эга бўлган санъатнинг энг юксак чўққилари, рассомлар орасидаги қалбига яқин, кўнглидан яқиндек жой олган мўйқалам соҳибларининг изланишлари рассомга доимо руҳий мадад беради, йўлчи юлдуз бўлиб йўлни ёритади. Толмас ижодкор Муҳаммад Нуриддиновга изланишлари йўлида янги парвозлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ. СУРАТДА: рассом Муҳаммад Нуриддинов ижодидан лавҳа.

Чизгиларда ҳаёт нафаси



ги қайтарилмас асарлар Муҳаммаднинг Санкт-Петербург шаҳрида тахсил олаётган йиллари қалбига теран ўрнашиб, бадий салоҳиятини, гўзаллик оламини, дунёга машҳур рассомлар асарларининг асл нусхасини кузатиш, ундан нухса кўчириш, маҳорат сирларини эгаллаш бобида олиб борган тинимсиз изланишларида қалбига сингиб кетган, вужудини ларзага солган. Шу йirik расмлар асарлари руҳига тортилиш, улар изланишларини ич-ичидан пайқашга интилиш, бўлгуси ижодкорнинг юксак интеллектуал маданиятини, натурадан катта умумлашма-

Юқорида қайд қилинган натюрмортлардаги гултувак, чой идиш, гул шохларининг фантастик даражада поёнига етказилиб натурал кўринишини бўрттириб образли даражада эсда абадий сақланиб қолади-ган ҳолатда жарангдор реализминг чўққига чиққан намунаси сифатида чизиб берилганлиги ҳар қандай таҳсинга сазовор. Муҳаммад ҳар бир асарнинг бадий қийматини нозиктаб-лик билан поёнига олиб чиқа олади. Шунинг учун ҳам бир асари музей экспозицияларидан бемалол ўрин олишга арзийдиган, сифати, бадий қиймати, мукаммал бажарилганли-

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Пойтахтимиздаги туман. 3. Бирор фаолиятда йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳужжат. 5. АҚШ давлати парламенти. 7. Махсулотнинг барча талабларга тўлиқ асосланган қатъий нусхаси. 12. Турк адаби, «Чоли куши» асари муаллифи. 14. Механика фани бўлими. 16. Тебранма ҳаракат қила оладиган парда. 18. Маълум бир соҳани бошқарувчи ташкилот.

Энига: 2. Гапни... сўзла, ишни кўп кўзла (мақол), 4. Ип газлама. 6. Ёруғлик. 13. Ҳўл мева. 15. Араб алифбосидаги ҳарф. 17. Рангли металл.

Бўйига: 8. Либос қисми. 9. Жанубий Америкадаги тоғлик. 10. Европадаги пойтахт. 11. Тузоқ.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Хоразм вилоятидagi туман — 4, 5, 7, 5, 11.

2. Шамсия йили ҳисобидagi ой — 10, 9, 3, 9, 2. 3. Алишер Навоийнинг саҳнадаги севгилиси — 12, 6, 2, 1.

4. Дон маҳсули — 6, 8.

Очқич асосида шакл атрофидagi рақамларда яширинган ҳикматни билиб олинг.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

3	6	9	2	2	1	3	3	9	10	1	11			
1	2		3	4		5	6		7					
8		9				10				11				
12	13		14	15		16	17		18					
4	5	7	1	8	1	8	12	4	5	7	4	5	8	1

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 15 АВГУСТ СониДА БЕРИЛГАН «ҲИҚМАТЛАР» БОШҚОТИРМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ёйлар бўйича: 1. Олмос. 2. Олади. 3. Олтин. 4. Ботир. 5. Бошда. 6. Қараш. 7. Тарик. 8. Қўлда. 9. Сўраб. 10. Қузат. 11. Қунда. 12. Сават. 13. Касал. 14. Гапир. 15. Падар. 16. Аввал. 17. Авлиё. 18. Арзон. 19. Ўрган. 20. Олқиш.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Йўқ. 2. Бир. 3. Зар. 4. Бўлса.

Ҳикмат: Сўз — бир, сайқал — қирқ.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилмииз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тўбик офсет усулида босилган. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напир кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қавати босма рўйхатида босилган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабинтиси» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акациядорлик компанияси бошқоқонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.